



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil « 11 » май

№ПК–240

**Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш доирасида уларга юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизими изчил жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, Янги Ўзбекистон шароитида коррупциявий омилларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этиш жараёнида тегишли соҳаларни **рақамлаштириш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга эътиборни янада кучайтириш** зарурати вужудга келмоқда.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш юзасидан давлат органлари томонидан ўз функцияларини амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида, шунингдек, **2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига** мувофиқ:

**1. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб**, қуйидагиларни назарда тутувчи **"Е-Антикоррупция"** лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) тўлиқ ишга туширилсин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – давлат ташкилотлари) фаолиятида **коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш**;

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари бўйича ушбу хавф-хатарларни бартараф этиш чораларини тизимли равишда кўриш мақсадида **"Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри"**ни (кейинги ўринларда – Реестр) шакллантириш ва юритиш;

коррупциявий хавф-хатарларни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, **инсон омилини қисқартириш** ва тегишли **тартиб-таомиллар ва функцияларни рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш**, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали бартараф этиш.

Белгилансинки:

Лойиҳа “E-Anticor.uz” электрон платформасида амалга оширилади;

Реестрни шакллантириш ва юритиш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан амалга оширилади ва Интернет тармоғида очиқ эълон қилиб борилади.

**2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш доирасида:**

давлат ташкилотлари томонидан уларга юкланган ҳар бир функция коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш юзасидан Агентлик ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ таҳлил қилиб борилади;

давлат ташкилотлари томонидан ўзига юкланган функциялар ва уларни амалга ошириш механизмлари юзасидан маълумотлар шакллантирилиб, очиқ эълон қилиб борилади;

эълон қилинган маълумотлар юзасидан фуқароларнинг таклифларини онлайн режимда қабул қилиш имконини яратган ҳолда ижтимоий сўровлар ва мустақил экспертлар иштирокида муҳокамалар ўтказилади;

ҳар бир функциянинг коррупциявий хавф-хатар даражаси **“паст”, “ўрта”** ва **“юқори”** ўлчовларида “E-Anticor.uz” электрон платформасида баҳолаб борилади;

ҳар бир функция бўйича аниқланган коррупциявий хавф-хатарларнинг тавсифи ва даражаси, уларни бартараф этиш бўйича чораларни ўз ичига олувчи **коррупциявий хавф-хатарлар харитаси**ни тузиш амалиёти йўлга қўйилади;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Реестр юритилиб, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш тадбирларини бажариш ҳолати “E-Anticor.uz” электрон платформасида эълон қилиб борилади.

**3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:**

давлат ташкилоти фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни (йиллик) баҳолаш ва коррупциявий хавф-хатарлар хариталарини Реестрга киритиш ҳар йили 1 мартга қадар амалга оширилади;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш давлат ташкилотлари таркибий бўлинмалари раҳбарларини жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан ташкил этилади. Бунда, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари мавжуд бўлмаган давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилиши мумкин;

коррупциявий хавф-хатарларни мустақил баҳолаш мақсадида давлат ташкилотининг фаолияти ушбу ташкилот билан келишилган ҳолда мустақил ташкилот томонидан ташқи баҳолашдан ўтказилиши мумкин. Бунда, тегишли давлат ташкилоти фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қониқарсиз амалга оширилган деб топилган тақдирда, Агентлик кўрсатмасига асосан унинг фаолияти ташқи баҳолашдан ўтказилиши шарт;

давлат ташкилотларининг раҳбарлари ўзларига юкланган функцияларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун шахсан жавобгардир.

**4.** Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши (Т. Нарбаева) Агентлик (А. Бурханов) билан биргаликда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш якунларига кўра қуйидаги чораларни кўриб борсин:

давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш бўйича ахборотларини эшитиш ва натижасига кўра камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кўриш бўйича таклифлар киритиш;

давлат ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш, ушбу йўналишда камчиликларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар бериш;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этишда ижобий натижаларга эришган давлат ташкилотларининг тажрибасини кенг оммалаштириш.

**5.** Агентлик (А. Бурханов) Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) билан биргаликда ҳамда халқаро экспертларни жалб этган ҳолда:

**уч ой муддатда** давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг аниқ мезон ва усулларини назарда тутувчи услубиётни тасдиқласин;

**мунтазам равишда** давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун масъул ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш бўйича ўқув-тренинг ва семинарларни ташкил қилиб борсин;

**мунтазам равишда** давлат ташкилотларига коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга **оширишда услубий ёрдам** бериб борсин.

**6.** Агентлик (А. Бурханов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда ҳамда халқаро ташкилотларни жалб қилган **ҳолда 2022 йил 1 августга қадар** Лойиҳани самарали амалга оширишни таъминлаш учун “E-Anticor.uz” электрон платформасини такомиллаштириш, шу жумладан ушбу платформа доирасида давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш электрон тизимини яратиш чораларини кўрсин.

**7.** Агентлик ва Адлия вазирлиги томонидан айрим соҳалар таҳлилдан ўтказилиб, бир қатор коррупциявий хавф-хатарлар аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**Коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**8.** Адлия вазирлиги тизимида кадрлар билан ишлаш йўналишидаги бюрократик тўсиқларга чек қўйиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарлар ва инсон омилини қисқартиришга қаратилган автоматлаштирилган тизим жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Давлат бошқаруви органлари кадрлар билан ишлаш йўналишидаги бюрократик тўсиқларни, коррупциявий хавф-хатарлар ва инсон омилини қисқартиришга қаратилган автоматлаштирилган тизимни **2023 йил 1 январга қадар** қўйидаги талаблар асосида жорий этсин:

вакант лавозимларни эълон қилишдан тортиб, танлов ўтказиш ва ишга қабул қилиш натижалари бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришгача бўлган жараёнларни тўлиқ электрон тарзда амалга ошириш;

таркибий тузилма, штатлар, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни ягона электрон базага жамлаган ҳолда ахборотни тўплаш ва унга ишлов бериш;

кадрларга оид иш юритув ҳужжатларини электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда фақат тизим орқали электрон шаклда қабул қилиш ва юритиш;

ходимларнинг иш фаолияти самарадорлигини автоматик баҳолаш ва уларни масофавий ўқитиш;

кадрлар бўйича маълумотларнинг электрон архивини юритиш.

Белгилансинки, давлат бошқаруви органлари кадрлар билан ишлаш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш бўйича сарф-харажатларни ўзларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширади.

**9. Агентлик Бош прокуратура Академияси ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази билан биргаликда ҳамда халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий, услубий ва амалий ишланмаларни тарқатиш, эришилган ютуқлар ва тажриба билан алмашиш, давлат хизматчилари ва фуқароларнинг ушбу борадаги билимларини оширишда фойдаланишга мўлжалланган ягона интерактив майдонча — “Коррупцияга қарши курашиш виртуал платформаси” лойиҳасини ишга туширсин.**

Бунда, ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги тажрибасини ўрганиш, масофавий таълим беришнинг интерактив модулларини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотлар учун зарур адабиётлар базасини шакллантириш ҳамда мутахассислар билан онлайн анжуманлар ўтказиш имкониятларини яратишга алоҳида эътибор қаратилсин.

Агентлик (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) ва Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) **жорий йилнинг октябрь ойига қадар “Коррупцияга қарши курашиш виртуал платформаси” лойиҳасининг тўлиқ ишга туширилишини таъминлаш чораларини кўрсин.**

**10. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Коррупциянинг олдини олиш, шу жумладан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлашга масъул этиб давлат ташкилотларининг раҳбарлари белгилансин.

**11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига (А. Кўчимов) ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини ҳамда давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.**

**12.** Агентлик (А.Бурханов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

**13.** Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Агентлик директори А.Э. Бурханов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б.Д. Исламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**Коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
1.	Давлат харидлари жараёнида тендер, танлов ва бошқаларни ўтказишда манфаатлар тўқнашуви ва коррупциявий омилларнинг мавжудлигини аниқлашни рақамлаштириш. Жумладан, харид жараёнларида ҳужжатлар айланишини автоматлаштириш, “комплаенс-назорат” ўтказишни йўлга қўйиш.	Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар	2022 йил сентябрь	Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов)
2.	Бюджет ташкилотларида қурилиш ва монтаж ишларини амалга ошириш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида қурилиш ва монтаж ишлари тўғрисидаги маълумотларни очиқлаш ва баҳолаш механизмларини жорий этиш. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида фуқаролардан ноқонуний қурилиш ҳолатлари юзасидан мурожаатларни онлайн қабул қилиш имконини яратиш.	Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар	2022 йил август	Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов)
3.	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар балансидаги товар-моддий бойликларни хатловдан ўтказиш ҳамда уларни ташкилот балансидан чиқаришнинг очиқ ва шаффоф электрон механизмини ишлаб чиқиш.	Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар	2022 йил август	Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Марказий банк (М.Нурмуратов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов)

4.	<p>Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун (касбий) ижодий имтиҳонларни ҳамда олий таълим муассасаларини битиришда яқуний давлат аттестация <b>синовларини топширишда шаффофликни таъминлаш</b> ва коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш.</p>	Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар	2022 йил декабрь	<p>Давлат тест маркази (<i>М.Каримов</i>), Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (<i>У.Ташкенбаев</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>А.Тошқулов</i>), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (<i>А.Бурханов</i>)</p>
5.	<p>Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун берилган имтиёзларни хатловдан ўтказиб, қайта кўриб чиққан ҳолда <b>ягона ҳужжатда уларнинг қатъий рўйхатини шакллантириш</b> ҳамда ушбу имтиёзларни умумий квотага киритмаслик тўғрисидаги қондани белгилаш. Бунда: олий таълим муассасаларига <b>ўқишга кириш учун имтиёзлар беришни тўлиқ рақамлаштириш</b> ва электрон платформа орқали амалга оширилишини йўлга қўйиш; олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзлар беришнинг <b>шаффоф</b> тартибини белгилаш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил декабрь	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>А.Тошқулов</i>), Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (<i>У.Ташкенбаев</i>), Давлат тест маркази (<i>М.Каримов</i>), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (<i>А.Бурханов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар</p>
6.	<p>Олий таълим муассасаларида <b>талабаларни турар жой (ётоқхона) билан таъминлаш ва талабаларни жойлаштиришнинг</b> электрон тизимини жорий этиш.</p>	Ташкилий чора-тадбирлар ва электрон тизим	2022 йил август	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>А.Тошқулов</i>), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (<i>А.Бурханов</i>)</p>



7.	Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш (шу жумладан хорижий ОТМлардан) жараёнини рақамлаштириш, шунингдек, иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ҳамда хорижий ОТМлар билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурларига қабул қилиш ва талабалар ҳисобини юритишда шаффоқликни таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2022 йил август	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У.Ташкенбаев), Давлат тест маркази (М.Каримов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов)
8.	Корхона ва ташкилотлар ишчи ва хизматчиларига давлат тасарруфидаги санаторий ва бошқа дам олиш масканларига йўлланма бериш жараёнининг очиқлигини таъминлаш.	Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар	2022 йил август	Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов), Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (Қ.Рафиқов)
9.	Бюджет ташкилотлари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхона ва ташкилотларда сўғурталаш жараёнларининг шаффоқлигини таъминлаш мақсадида ушбу жараёнларни рақамлаштириш ва рақобат муҳитини шакллантириш.	Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар	2022 йил август	Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов)
10.	Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳбуслар учун Давлат хизматлари, шу жумладан нотариат хизматларини электрон шаклда кўрсатиш имкониятларини яратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил октябрь	Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)

11.	<p>Қонунчиликда белгиланган мол-мулк ва автотранспорт воситаларига тақиқ қўйиш ва ундан чиқаришнинг электрон тартибини жорий этиш ҳамда фуқароларга тақиқ мавжуд ёки мавжуд эмаслигини онлайн текшириш имкониятини яратиш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	<p>2022 йил июнь</p>	<p>Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Марказий банк (М.Нурмуратов), Кадастр агентлиги (Ф.Пулатов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), вазирлик ва идоралар</p>
12.	<p>Мавжуд автобекатларни хатловдан ўтказиб, улар жойлашган ер участкаларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш, шунингдек, автобекатларда тадбиркорлик объектларини жойлаштиришга рухсат беришнинг шаффоф электрон механизmlарини яратиш ва улардан фойдаланишнинг аниқ талабларини белгилаш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	<p>2022 йил сентябрь</p>	<p>Транспорт вазирлиги (И.Маҳкамов), Автомобиль йўллари қўмитаси (А.Абдувалиев), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Ш.Шорахметов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Кадастр агентлиги (Ф.Пулатов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

13.	<p>Ташқи реклама объектларини жойлаштириш билан боғлиқ барча муносабатларни рақамлаштириш орқали инсон омилини қисқартириш ҳамда <b>онлайн аукцион тартибига қатъий риоя этган ҳолда</b> жамоатчилик назоратини кучайтириш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	<p>2022 йил сентябрь</p>	<p>Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Ш.Шорахметов</i>), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (<i>Ж.Артиқходжаев</i>)</p>
-----	---	---	--------------------------	---

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ишларини ташкил этиш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
<b>I. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш самардорлигини ошириш</b>				
1.	Илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантиришда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этишга қаратилган лойиҳалар танловини эълон қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил давомида	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб- қувватлаш жамоат фонди, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизими доирасида хорижий инвесторлар томонидан инвестиция киритиш учун тўсқинлик қилаётган коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	Ахборот-таҳлилий материаллар ва таклифлар	2022 йил июль	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Кудратов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), манфаатдор вазирлик ва идоралар

3.	<p>Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизимини жорий этиш орқали <b>тадбиркорлик субъектлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир қилинишига сабаб бўлувчи омилларни ўрганиш</b> ва бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>Ахборот-таҳлилий материаллар ва таклифлар</p>	<p>2022 йил июль</p>	<p>Бизнес-омбудсман (<i>Д.Касимов</i>), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (<i>А.Бурханов</i>), Бош прокуратура (<i>Н.Йўлдошев</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
4.	<p>Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизими доирасида ижтимоий сўровлар ўтказган ҳолда <b>тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашганлик ҳолатларини, уларнинг фаолиятини чеклашга ёки тўхтатишга сабаб бўлган асоссиз ва ноқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни ўрганиш.</b></p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2022 йил октябрь</p>	<p>Бизнес-омбудсман (<i>Д.Касимов</i>), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (<i>А.Бурханов</i>), Бош прокуратура (<i>Н.Йўлдошев</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
5.	<p>Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизимини жорий этиш орқали <b>давлат бошқаруви соҳасида манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш</b> ва бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2022 йил август</p>	<p>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (<i>А.Бурханов</i>), Бош прокуратура (<i>Н.Йўлдошев</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

6.	<p>Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизими доирасида республикада 2021—2022 йилларда содир этилган коррупцияга оид жиноятчиликни таҳлил қилиш асосида уларга сабаб бўлган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>Ахборот-таҳлилий материаллар ва таклифлар</p>	<p>2022 йил декабрь</p>	<p>Бош прокуратура (Н.Йўлдошев), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
7.	<p>Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги <b>халқаро ҳужжатларни ўрганиш</b> ҳамда заруратга кўра уларнинг нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>Ахборот-таҳлилий материаллар ва таклифлар</p>	<p>2022 йил сентябрь</p>	<p>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
8.	<p>Ижтимоий сўровлар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар асосида <b>коррупцияга қарши курашишга оид республика миқёсида амалга оширилган ишларнинг натижалари</b> ва таъсирини баҳолаш.</p>	<p>Ахборот-таҳлилий маълумот</p>	<p>2022 йил октябрь</p>	<p>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов), “Ижтимоий фикр” маркази (Н.Рахимова)</p>
9.	<p>Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизимини жорий этиш соҳасидаги <b>илғор хорижий тажрибани ўрганиш</b> мақсадида ривожланган мамлакатларга ўқув-танишув сафарларини ташкил этиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2022 йил Давомида</p>	<p>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

II. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизимини шакллантириш				
10.	Давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш, шу жумладан <b>коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича услубий қўлланмани</b> тасдиқлаш ва давлат идораларига тарқатиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил июль	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
11.	"Е-Антикоррупция" лойиҳасининг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун <b>"E-Anticor.uz"</b> электрон платформасини такомиллаштириш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил август	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов), Бош прокуратура (Н.Йўлдошев)
12.	Давлат ташкилотларининг фаолияти устидан назорат олиб боришда <b>жамоатчилик иштирокини кенгайтириш</b> , шу жумладан коррупцияга қарши курашиш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш.	Чора-тадбирлар режаси	2022 йил июнь	Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш (Т.Нарбаева), Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)

13.	Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш бўйича <b>ижобий натижаларга эришган давлат ташкилотининг тажрибасини оммалаштириш</b> , ушбу соҳада долзарб муаммоларни муҳокама қилиш бўйича <b>конференция ва анжуманлар</b> ўтказиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил давомида	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
14.	Давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун <b>масъул ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш</b> бўйича ўқув-тренинг ва семинарларни ташкил қилиб бориш.	Амалий чора-тадбирлар	Мунтазам равишда	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов), Бош прокуратура (Н.Йўлдошев)
15.	Давлат ташкилотларига коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда <b>услубий ёрдам</b> бериб бориш.	Амалий-услубий чора-тадбирлар	Мунтазам равишда	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов)







## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil «11» мая

№ПП–240

### **О мерах по совершенствованию механизмов устранения коррупционных рисков в области государственного управления и расширению участия общественности в данной сфере**

В стране в рамках совершенствования деятельности государственных органов и организаций по противодействию коррупции последовательно внедряется система оценки коррупционных рисков при реализации возложенных на них задач и функций.

Вместе с тем в условиях Нового Узбекистана возникает необходимость дальнейшего усиления внимания к вопросам **цифровизации соответствующих сфер и установления действенного общественного контроля** в процессе выявления, оценки и устранения коррупционных рисков.

В целях поднятия на новый уровень системы оценки и устранения коррупционных рисков при реализации государственными органами своих функций в сфере предупреждения коррупции в области государственного управления, а также в соответствии со **Стратегией развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы**:

1. Запустить с **1 сентября 2022 года** в полном объеме **Проект «Е-Антикоррупция»** (далее – Проект), предусматривающий:

**обязательное выявление и оценку коррупционных рисков** в деятельности органов государственной власти и управления, в том числе их территориальных подразделений, государственных унитарных предприятий и учреждений, организаций с долей государства более 50 процентов (далее – государственные организации);

формирование и ведение **«Электронного реестра отношений, подверженных коррупции»** (далее – Реестр) в целях системного принятия мер по устранению коррупционных рисков по результатам выявления и оценки таких рисков;

устранение коррупционных рисков путем совершенствования актов законодательства, **сокращения человеческого фактора, цифровизации соответствующих процедур и функций, обеспечения прозрачности, установления общественного контроля.**

Установить, что:

Проект реализуется на электронной платформе «E-Anticor.uz»;

Агентством по противодействию коррупции (далее – Агентство) осуществляется формирование и ведение Реестра, который открыто публикуется в сети Интернет.

**2. Установить порядок, в соответствии с которым в рамках выявления и оценки коррупционных рисков:**

государственными организациями проводится анализ в соответствии с Методикой оценки коррупционных рисков, утверждаемой Агентством и Министерством юстиции, по каждой из возложенных на них функций для выявления коррупционных рисков в своей деятельности;

государственными организациями формируется и открыто публикуется информация о возложенных на них функциях и механизмах их реализации;

проводятся социологические опросы и обсуждения с участием независимых экспертов с предоставлением возможности в режиме онлайн получать предложения граждан по опубликованной информации;

проводится оценка уровня коррупционного риска каждой функции по шкале **«низкий»**, **«средний»** и **«высокий»** с использованием электронной платформы «E-Anticor.uz»;

вводится практика составления **карты коррупционных рисков**, включающей в себя описание и уровень выявленных коррупционных рисков по каждой функции, а также меры по их устранению;

на основе карт коррупционных рисков, составляемых по результатам оценки коррупционных рисков, ведется Реестр с публикацией на электронной платформе «E-Anticor.uz» состояния реализации мероприятий по устранению коррупционных рисков.

**3. Установить порядок, в соответствии с которым:**

оценка коррупционных рисков (ежегодная) в деятельности государственной организации и включение карт коррупционных рисков в Реестр осуществляются **ежегодно до 1 марта**;

оценка коррупционных рисков организуется подразделениями внутреннего антикоррупционного контроля с привлечением руководителей подразделений государственных организаций. При этом в государственных организациях, не имеющих структур внутреннего антикоррупционного контроля, могут быть созданы рабочие группы из числа руководителей их структурных подразделений для оценки коррупционных рисков;

в целях независимой оценки коррупционных рисков деятельность государственной организации может быть подвергнута внешней оценке по согласованию с данной организацией. При этом в случае признания неудовлетворительной оценки коррупционных рисков, проведенной в деятельности соответствующей государственной организации, ее деятельность подлежит проведению внешней оценки в соответствии с указанием Агентства;

руководители государственных организаций несут персональную ответственность за своевременное и качественное проведение оценки коррупционных рисков по возложенным на них функциям.

**4.** Национальному совету по противодействию коррупции (Нарбаева Т.) совместно с Агентством (Бурханов А.) принимать следующие меры по итогам оценки коррупционных рисков:

заслушивать информацию руководителей государственных организаций о результатах оценки и устранения коррупционных рисков и по итогам вносить предложения по принятию соответствующих мер ответственности в отношении должностных лиц, допустивших недостатки;

давать указания по совершенствованию деятельности государственных организаций в сфере оценки и устранения коррупционных рисков, а также недопущению недостатков в данном направлении;

широко распространять опыт государственных организаций, достигших положительных результатов в оценке и устранении коррупционных рисков.

**5.** Агентству (Бурханов А.) совместно с Министерством юстиции (Давлетов Р.), а также с привлечением международных экспертов:

**в трехмесячный срок** утвердить методику, предусматривающую конкретные критерии и методы выявления и оценки коррупционных рисков в деятельности государственных организаций;

**регулярно организовывать** учебные тренинги и семинары для повышения знаний и навыков работников, ответственных за оценку коррупционных рисков в государственных организациях;

**регулярно оказывать методическую помощь** государственным организациям в реализации антикоррупционных мероприятий.

6. Агентству (Бурханов А.) совместно с Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций (Шерматов Ш.), а также с привлечением международных организаций **в срок до 1 августа 2022 года** принять меры по совершенствованию электронной платформы «E-Anticor.uz» для обеспечения эффективной реализации Проекта, в том числе по созданию электронной системы оценки коррупционных рисков в деятельности государственных организаций в рамках данной платформы.

7. Принять к сведению, что Агентством и Министерством юстиции проведен анализ отдельных сфер и выявлен ряд коррупционных рисков.

Утвердить **Программу комплексных мер по устранению отношений, подверженных коррупции**, согласно приложению № 1.

8. Принять к сведению, что в системе Министерства юстиции внедрена автоматизированная система, направленная на устранение бюрократических барьеров, сокращение человеческого фактора и коррупционных рисков в области работы с кадрами.

Внедрить систему, направленную на сокращение бюрократических барьеров, человеческого фактора и коррупционных рисков в области работы с кадрами, на основании следующих требований:

полной реализации в электронной форме процессов оформления документов, начиная от объявления вакантных должностей до проведения конкурса и оформления приема на работу по итогам конкурсов;

осуществления сбора и обработки информации о структурных подразделениях, штатной численности, должностях и работниках путем объединения в единую электронную базу данных;

приема и ведения в электронной форме документов кадрового делопроизводства, подтвержденных электронной цифровой подписью, исключительно посредством системы;

автоматической оценки эффективности деятельности работников и их дистанционного обучения;

ведения электронного архива кадровой информации.

Установить, что органы государственного управления осуществляют расходы на внедрение автоматизированной системы по работе с кадрами за счет собственных внебюджетных средств и иных источников, не запрещенных актами законодательства.

**9.** Запустить реализуемый Агентством совместно с Академией Генеральной прокуратуры и Центром повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, а также с привлечением международных организаций **проект «Виртуальная платформа по противодействию коррупции»** в качестве **единой интерактивной площадки** с целью распространения научных, методических и практических разработок в области противодействия коррупции, обмена достижениями и опытом, повышения знаний государственных служащих и граждан в данной сфере.

При этом особое внимание уделить изучению опыта развитых государств по противодействию коррупции, разработке интерактивных модулей для дистанционного обучения, формированию базы литературы, необходимой для проведения научных исследований, а также созданию возможностей для проведения онлайн-конференций со специалистами.

Агентству (Бурханов А.), Генеральной прокуратуре (Йулдошев Н.) и Министерству юстиции (Давлетов Р.) **в срок до октября текущего года** принять меры по обеспечению полного запуска проекта «Виртуальная платформа по противодействию коррупции».

**10.** Утвердить **План мер по организации оценки коррупционных рисков в сфере государственного управления** согласно приложению № 2.

Определить руководителей государственных организаций ответственными за обеспечение своевременной, полной и качественной реализации мер по предупреждению коррупции, в том числе за организацию оценки коррупционных рисков.

**11.** Рекомендовать Национальной телерадиокомпании Узбекистана (Хаджаев А.) и Национальному информационному агентству Узбекистана (Кучимов А.) широкое освещение в средствах массовой информации сути и значения настоящего постановления, а также результатов оценки и устранения коррупционных рисков в сфере государственного управления.

**12.** Агентству (Бурханов А.) совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами **в двухмесячный срок** внести предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.

**13.** Возложить на директора Агентства Бурханова А.Э. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

Осуществление контроля за исполнением настоящего постановления, координацию деятельности организаций, ответственных за его исполнение, возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н. и советника Президента Республики Узбекистан Исламова Б.Д.

**Президент  
Республики Узбекистан**



**Ш. Мирзиёев**

город Ташкент

## ПРОГРАММА комплексных мер по устранению отношений, подверженных коррупции

№	Наименование мер	Механизм реализации	Срок исполнения	Ответственные исполнители
1.	Цифровизация процесса определения наличия <b>конфликта интересов и коррупционных факторов</b> при проведении тендеров, конкурсов и других мероприятий в процессе государственных закупок. В частности, автоматизация документооборота и внедрение <b>«комплаенс-контроля»</b> в процессе закупок.	Организационно-правовые меры	Сентябрь 2022 года	Министерство финансов, (Ишметов Т.), Министерство строительства (Закиров Б.), Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.)
2.	Внедрение механизмов раскрытия и оценки информации о строительно-монтажных работах в целях установления <b>общественного контроля за выполнением строительно-монтажных работ</b> в бюджетных организациях. Создание в национальной электронной системе «Шаффоф курилиш» возможности онлайн-приема обращений граждан по фактам незаконного строительства.	Организационно-правовые меры	Август 2022 года	Министерство строительства (Закиров Б.), Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.)
3.	Разработка <b>открытого и прозрачного электронного механизма инвентаризации товарно-материальных ценностей и снятия их с баланса</b> органов государственного и хозяйственного управления,	Организационно-правовые меры	Август 2022 года	Министерство финансов, (Ишметов Т.), Центральный банк (Нурмуратов М.),

	<p>государственных предприятий и предприятий с государственной долей в уставном капитале.</p>			<p>Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.)</p>
<p>4.</p>	<p>Обеспечение прозрачности проведения творческих экзаменов (профессиональных) для поступления в высшие образовательные учреждения и выпускных государственных аттестационных экзаменов, а также устранение коррупционных рисков.</p>	<p>Организационно-правовые меры</p>	<p>Декабрь 2022 года</p>	<p>Государственный центр тестирования (Каримов М.), Государственная инспекция по надзору за качеством образования (Ташкенбаев У.), Министерство высшего и среднего специального образования (Тошкулов А.), Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.)</p>
<p>5.</p>	<p>Инвентаризация и пересмотр льгот, предоставленных для поступления на учебу в высшие образовательные учреждения, разработка единого документа, предусматривающего исчерпывающий перечень данных льгот, и установление правила о невключении данных льгот в общую квоту.</p> <p>При этом:</p> <p>введение полной цифровизации предоставления льгот при поступлении в высшие образовательные учреждения и осуществление их посредством электронной платформы;</p> <p>установление прозрачной процедуры предоставления льгот при поступлении на учебу.</p>	<p>Проект нормативно-правового акта</p>	<p>Декабрь 2022 года</p>	<p>Министерство высшего и среднего специального образования (Тошкулов А.), Государственная инспекция по надзору за качеством образования (Ташкенбаев У.), Государственный центр тестирования (Каримов М.), Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.)</p>



				Министерство юстиции <i>(Давлетов Р.),</i> министерства и ведомства Министерство высшего и среднего специального образования <i>(Тошкуллов А.),</i> Агентство по противодействию коррупции <i>(Бурханов А.)</i>
6.	Внедрение электронной системы обеспечения студентов высших образовательных учреждений местом проживания (общежитием) и их размещения.	Организационные меры и электронная система	Август 2022 года	Министерство высшего и среднего специального образования <i>(Тошкуллов А.),</i> Государственная инспекция по надзору за качеством образования <i>(Ташкенбаев У.),</i> Государственный центр тестирования <i>(Каримов М.),</i> Агентство по противодействию коррупции <i>(Бурханов А.)</i>
7.	<b>Цифровизация процесса перевода и восстановления учебы студентов высших образовательных учреждений, прием на вторую и последующую специальность и совместные учебные программы по согласованию с зарубежными партнерами высшими образовательными организациями, а также обеспечение прозрачности ведения учета студентов.</b>	Организационные меры	Август 2022 года	Министерство финансов <i>(Ишметов Т.),</i> Агентство по противодействию коррупции <i>(Бурханов А.),</i> Федерация профсоюзов Узбекистана <i>(Рафиков К.)</i>
8.	Обеспечение открытости процесса выдачи направлений в государственные санатории и другие зоны отдыха для рабочих и служащих предприятий и организаций.	Организационно-правовые меры	Август 2022 года	Министерство финансов <i>(Ишметов Т.),</i> Агентство по противодействию коррупции <i>(Бурханов А.),</i> Федерация профсоюзов Узбекистана <i>(Рафиков К.)</i>

9.	Цифровизация страховых процессов в бюджетных организациях и на предприятиях и в организациях с государственной долей в уставном капитале и формирование конкурентной среды в целях обеспечения их прозрачности.	Организационно-правовые меры	Август 2022 года	Министерство финансов (Ишметов Т.), Министерство юстиции (Давлетов Р.), Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.)
10.	Разработка предложений по созданию возможностей оказания государственных услуг, в том числе нотариальных услуг, в электронной форме для заключенных, содержащихся в учреждениях исполнения наказания.	Проект нормативно-правового акта	Октябрь 2022 года	Министерство внутренних дел (Бобожинов П.), Министерство юстиции (Давлетов Р.)
11.	Внедрение электронного порядка постановки предусмотренного законодательством запрета на имущество и автотранспортные средства и его снятия, а также создание возможности онлайн-проверки гражданами наличия или отсутствия запрета.	Проект нормативно-правового акта	Июнь 2022 года	Министерство юстиции (Давлетов Р.), Министерство внутренних дел (Бобожинов П.), Центральный банк (Нурмуратов М.), Агентство по кадастру (Пулатов Ф.), Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.), Министерство финансов (Ишметов Т.), министерства и ведомства
12.	Инвентаризация действующих автобусных остановок и определение правового статуса земельных участков, на которых они расположены, а также создание прозрачных электронных механизмов	Проект нормативно-правового акта	Сентябрь 2022 года	Министерство транспорта (Махкамов И.), Комитет по автомобильным дорогам (Абдувалиев А.),

	<p>выдачи разрешений на размещение объектов предпринимательства на них с установлением конкретных требований по их использованию.</p>			<p>Антимонопольный комитет (Шорахметов Ш.), Министерство юстиции (Давлетов Р.), Агентство по кадастру (Пулатов Ф.), Совет Министров Республики Каракалпакстан, хокимияты областей и города Ташкента</p>
<p><b>13.</b></p>	<p>Сокращение человеческого фактора за счет цифровизации всех взаимоотношений, связанных с размещением объектов наружной рекламы, а также усиление общественного контроля путем неукоснительного соблюдения процедур проведения онлайн аукционов.</p>	<p>Проект нормативно-правового акта</p>	<p>Сентябрь 2022 года</p>	<p>Министерство юстиции (Давлетов Р.), Антимонопольный комитет (Шорахметов Ш.), хокимият города Ташкента (Артыкходжаев Ж.)</p>

**ПЛАН МЕР**  
**по организации оценки коррупционных рисков в сфере государственного управления**

№	Наименование мер	Механизм реализации	Срок исполнения	Ответственные исполнители
<b>I. Повышение эффективности выявления и устранения коррупционных рисков в сфере государственного управления</b>				
<b>1.</b>	При формировании государственного заказа на реализацию научно-исследовательских проектов объявление конкурса научно-исследовательских проектов, направленных на устранение коррупционных рисков.	Практические меры	В течение 2022 года	Министерство инновационного развития (Абдурахмонов И.), Общественный фонд по поддержке негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе, заинтересованные министерства и ведомства
<b>2.</b>	Разработка в рамках системы оценки коррупционных рисков предложений по выявлению и устранению коррупционных рисков, препятствующих зарубежным инвесторам для осуществления инвестирования.	Информационно-аналитические материалы и предложения	Июль 2022 года	Министерство инвестиций и внешней торговли (Кудратов Л.), Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.), Министерство юстиции (Давлетов Р.), заинтересованные министерства и ведомства
<b>3.</b>	Разработка предложений по изучению и устранению факторов, приводящих к совершению субъектами предпринимательства коррупционных правонарушений, путем внедрения системы оценки коррупционных рисков.	Информационно-аналитические материалы и предложения	Июль 2022 года	Бизнес-омбудсман (Касимов Д.), Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.),

				Генеральная прокуратура ( <i>Йулдошев Н.</i> ), Министерство юстиции ( <i>Давлетов Р.</i> ), заинтересованные министерства и ведомства
4.	Изучение случаев <b>необоснованных и непропорциональных действий (бездействия)</b> , приводящих к вмешательству в деятельность субъектов предпринимательства, ограничению или прекращению их деятельности, с проведением социологических опросов, <b>предусматриваемое в рамках вводимой системы оценки коррупционных рисков.</b>	Практические меры	Октябрь 2022 года	Бизнес-омбудсман ( <i>Касимов Д.</i> ), Агентство по противодействию коррупции ( <i>Бурханов А.</i> ), Генеральная прокуратура ( <i>Йулдошев Н.</i> ), Министерство юстиции ( <i>Давлетов Р.</i> ), заинтересованные министерства и ведомства
5.	Изучение факторов, приводящих к конфликту интересов в государственном управлении, путем внедрения системы оценки коррупционных рисков, а также разработка предложений по их устранению.	Практические меры	Август 2022 года	Агентство по противодействию коррупции ( <i>Бурханов А.</i> ), Генеральная прокуратура ( <i>Йулдошев Н.</i> ), Министерство юстиции ( <i>Давлетов Р.</i> ), заинтересованные министерства и ведомства
6.	Подготовка предложений по выявлению и устранению причин коррупционных преступлений, совершенных в республике в 2021–2022 годах на основе анализа коррупционных преступлений в рамках системы оценки коррупционных рисков.	Информационно-аналитические материалы и предложения	Декабрь 2022 года	Генеральная прокуратура ( <i>Йулдошев Н.</i> ), Агентство по противодействию коррупции ( <i>Бурханов А.</i> ), Министерство внутренних дел ( <i>Бобожинов П.</i> ), Министерство юстиции

				(Давлетов Р.), заинтересованные министерства и ведомства
7.	Изучение международных документов в сфере противодействия коррупции и при необходимости подготовка предложений по имплементации их норм в национальное законодательство.	Информационно-аналитические материалы и предложения	Сентябрь 2022 года	Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.), Министерство юстиции (Давлетов Р.), заинтересованные министерства и ведомства
8.	Оценка результатов и влияния работы, проводимой по противодействию коррупции в масштабах республики на основе социологических опросов, социологических и иных исследований.	Информационно-аналитическая информация	Октябрь 2022 года	Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.), Центр «Ижтимоий фикр» (Рахимова Н.)
9.	Организация учебно-ознакомительных поездок в развитые страны для изучения передового международного опыта в области внедрения системы оценки коррупционных рисков.	Практические меры	В течение 2022 года	Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.), Министерство юстиции (Давлетов Р.), заинтересованные министерства и ведомства
<b>II. Формирование системы оценки коррупционных рисков</b>				
10.	Утверждение и распространение среди государственных органов методического пособия по противодействию коррупции в государственных организациях, в том числе по оценке коррупционных рисков.	Практические меры	Июль 2022 года	Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.), Министерство юстиции (Давлетов Р.)
11.	Совершенствование электронной платформы «E-Anticor.uz» для обеспечения эффективной реализации проекта «E-Антикоррупция».	Практические меры	Август 2022 года	Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.), Министерство по развитию

				информационных технологий и коммуникаций (Шерматов Ш.), Генеральная прокуратура (Йўлдошев Н.)
12.	Расширение участия общественности в контроле за деятельностью государственных организаций, в том числе усиление общественного контроля за борьбой с коррупцией.	План практических мер	Июнь 2022 года	Национальный совет по противодействию коррупции (Нарбаева Т.), Общественный фонд по поддержке негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе, Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.), Министерство юстиции (Давлетов Р.)
13.	Распространение опыта государственных организаций, достигших <b>положительных результатов по оценке и устранению коррупционных рисков</b> , проведение <b>конференций и других мероприятий</b> для обсуждения актуальных вопросов в данной сфере.	Практические меры	В течение 2022 года	Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.), заинтересованные министерства и ведомства
14.	Организация тренингов и семинаров для повышения знаний и навыков должностных лиц, ответственных за оценку коррупционных рисков в государственных организациях.	Практические меры	На регулярной основе	Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.), Генеральная прокуратура (Йўлдошев Н.)
15.	Оказание методической помощи государственным организациям в реализации мероприятий по оценке коррупционных рисков.	Практические и методологические меры	На регулярной основе	Агентство по противодействию коррупции (Бурханов А.)

